

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1481-ҳадис**

1481 - وَعَنِ الْبَرَاءِ بْنِ عَازِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا
أَتَيْتَ مَضْجَعَكَ فَتَوَضَّأْ وُضُوءَكَ لِلصَّلَاةِ، ثُمَّ اضْطَجِعْ عَلَى شِقِّكَ الْأَيْمَنِ، وَقُلْ: اللَّهُمَّ؛ أَسَلَمْتُ
نَفْسِي إِلَيْكَ، وَفَوَّضْتُ أَمْرِي إِلَيْكَ، وَأَلْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ، رَهْبَةً وَرَغْبَةً إِلَيْكَ، لَا مَلْجَأَ وَلَا مَنْجَا
مِنْكَ إِلَّا إِلَيْكَ، آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ، وَبِنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ، فَإِنْ مِتَّ مِتَّ عَلَى الْفِطْرَةِ،
وَاجْعَلْهُنَّ آخِرَ مَا تَقُولُ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 6311، م 2710 وسبق برقم 828].

1481. Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга шундай дедилар:
«Ётоғингга кирмоқчи бўлсанг, намозга қиладиган таҳоратингни қил. Сўнг
ўнг ёнинг билан ётиб, «Аллоҳумма, асламту нафси илайка ва фаввадту
амри илайка ва алжа'ту зоҳри илайка, роҳбатан ва роғбатан илайка, лаа
малжа'а ва лаа манжа минка иллаа илайка! Ааманту бикитаабикал[лази
анзалта ва бинабиййикаллази арсалта!» дегин. Агар (шу кеча) вафот
этсанг, фитратда* кетасан. Охирги айтадиганинг шулар бўлсин».

* Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Сендан қўрққан ва умид қилган ҳолда ўзимни Сенга
таслим қилдим, ишимни Сенга топширдим, Сенга суяндим. Сендан қочишга ва
нажот топишга ҳузурингдан бошқа жой йўқ. Нозил қилган Китобингга ва юборган
Набийингга иймон келтирдим».

* Фитрат – соф инсоний, яъни исломий табиат.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Бу ҳадис 828-рақамда ҳам келтирилган.

Пайғамбаримизнинг тўшакка ётишдан олдин ўқиган дуоларидан яна бири

ушбу дуодир. Ярим ўлим бўлган уйқуга ётган кимса яна ҳаётга қайтмай қолиши ҳам мумкинлигини назарда тутган ҳолда Аллоҳга бўлган иймонини янгилаши ва Унга бўлган боғлиқлигини ифода қилиши керак. Бу дуони ўқиган кимса Жаноби Ҳақга шундай деган бўлади;

«Эй Робб! Жонимни берган Сенсан, мен уни Сен бағишлагандек сақлаб, Сен буюргандек фойдаландим. Бироздан кейин ухлаб ўзимдан кетаман. Шу сабабли жонимни Сенга топшираман. Инсоннинг қайтадиган жойи ёлғиз Сенинг ҳузуринг. Мен ҳам бутун борлиғим билан Сенга итоат қиламан. Дунёдаги ишларимни ҳам сенга топшираман. Бу дунёда куч-қудратига иймон келтириладиган ёлғиз Зот Сенсан. Сендан кучли Зот йўқ эканлигига чин кўнгилдан ишонаман. Шунинг учун ҳам Сенга суянаман. Мени сақлагин Эй Роббим! Аллоҳим, Сен ўзинг азоблардан сақлайсан ва Ўзинггина ёрдам берасан. Аллоҳим, менга неъматларингдан ато қил ва азобингдан сақла!..

Бундай таслимият билан ухлаган кимсанинг уйқуси ҳам ибодатдир. Шунинг учун бошқа ибодатлар каби ётишдан олдин таҳорат олиб ётиш керак.

Ҳадиснинг бошқа ривоятларида Пайғамбаримиз бу ҳадисни Баро ибн Озибга ўргатганлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнида бу дуони қайтариб айтаётганда «набиййика» сўзининг ўрнига «росулика» сўзига алмаштирганлиги, фақат Расулуллоҳнинг бунга изн бермаганлиги айтилган. Бу эса, бошқа дуолар каби бу дуонинг ҳам Расулуллоҳга Аллоҳ ўргатганлигининг далилидир.

Манба: hadis.islom.uz

